



**Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг
Қ А Р О Р И**

140157, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар Куксарой-1, Тел/факс: 0(366) 235-20-40

2020 йил “5” сентябрь

№ 12/2 - сонли

**Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар,
марака ва маросимларга бағишланган
тадбирлар ўтказилишини тартибга
солиш тизимини янада
такомиллаштириш тўғрисида**

Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марака ва маросимларга бағишланган тадбирлар миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, халқимизнинг узоқ йиллик кадриятлари ва анъаналарини ўзида акс эттиради.

Бироқ сўнгги пайтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марака ва маросимларни ўтказишда шухратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳволини инобатга олмаслик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини менсимаслик каби иллатлар кўзга ташланмоқда.

Вилоятда ўтказилаётган тўй-ҳашам, маросим ва унга доир турли оилавий тадбирлар исрофгарчилик ва дабдабазорлик билан ўтказилиши кенг жамоатчиликни ташвишга солаётганлиги ва бу борада Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши, “Нуроний” жамғармаси, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимлари ҳамда вилоят Хотин-қизлар кўмитасининг таклифларини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Б.Насриевнинг “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Самарқанд вилоятида тўй ва маросимлар, оилавий тантаналар ўтказилишини назорат қилиш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи комиссияси таркиби 1-иловага;

вилоят мувофиқлаштирувчи комиссияси штаби таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши (Б.Насриев), “Нуроний” жамғармаси (Х.Нормуродов), Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимлари ва вилоят Хотин-қизлар қўмитаси (Г.Алимова)нинг бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда тўй-ҳашам, маросим ва оилавий тадбирларни мувофиқлаштирувчи Жамоатчилик Кенгашини тузиш таклифи маъқуллансин.

4. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига:

ҳар бир Кенгашда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссия фаолиятини йўлга қўйиш;

комиссиянинг мақсад ва вазифаларини белгилаб, унга ўтказиладиган тўй-ҳашам, маросим, оилавий тадбирлар ва унга доир бошқа тадбирларни ўтиш ҳолати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда тўй ва маросим эгалари билан ихчам, исрофгарчиликсиз ва белгиланган талаблар асосида ўтказиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши (Б.Насриев)га:

кенг жамоатчилик вакиллари жалб қилган ҳолда, вилоятдаги тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марака ва маросимларни тартибга солиш ҳамда ихчам ва миллий кадриятлар асосида ўтказиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, тарғибот орқали жамият ҳаётига татбиқ этиш;

тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар ва маросимларни ўтказиш бўйича жамоатчилик фикрини инобатга олмайдиган фуқароларни маҳалла фуқаролар йиғинига таклиф қилиш, ушбу масалани маҳалла ва меҳнат жамоасида муҳокама этиш, таъсир чорасини кўриш ва тушунтириш ишларини ўтказиш тизимини яратиш вазифалари топширилсин.

6. Самарқанд вилоятида тўй ва маросимлар, оилавий тантаналар ўтказилишини назорат қилиш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи комиссияси штабига тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар ва маросимлар ўтказилиши бўйича нотўғри ва асосланмаган маълумотлар тақдим этилишини олдини олиш мақсадида барча ташкилотлар раҳбарлари огоҳлантирилсин;

нотўғри маълумот тақдим этган ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилсин.

7. Самарқанд вилояти ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (М.Ибодуллаев), “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти (Ф.Тошев), вилоят телевидениеси (Д.Исмаатов)га оммавий ахборот воситаларида тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марака ва маросимларни тартибга солиш масалаларини кенг ёритиш ва тарғиб қилиш чораларини кўриш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Ихтиёров) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



Э.Турдимов

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил 5 февралдаги
12/2 -сонли қарорига
1 -илова

**Самарқанд вилоятида тўй ва маросимлар, оилавий тантаналар ўтказилишини
назорат қилиш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи комиссияси
ТАРКИБИ**

1.	Г.Алимова	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, комиссия раиси
2.	Б.Насриев	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
3.	Х.Нормуродов	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси, комиссия раиси ўринбосари
Комиссия аъзолари:		
4.	Ш.Рахмонов	Ички ишлар бошқармаси бошлиғи
5.	А.Носиров	Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи
6.	Ш.Аҳмедов	Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
7.	С.Нуриев	Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи
8.	И.Ҳамраев	Транспорт бошқармаси бошлиғи
9.	Д.Жуманиязов	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
10.	Х.Боймуродов	Давлат санитария эпидемиологик осойишталик маркази раҳбари
11.	Ш.Юлдашев	Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи
12.	С.Рафиқов	Самарқанд вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси
13.	З.Эшонқулов	Ўзбекистон Мусулмонлари идораси вилоят вакиллиги бош имоми
14.	З.Эргашев	Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят кенгаши раиси в.в.б.
15.	С.Насриева	“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси бошлиғи
16.	М.Ибодуллаев	Вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи
17.	Х.Муҳаммадиев	Вилоят маданият бошқармаси бошлиғи
18.	О.Рустамов	Ўзбекконцерт давлат корхонаси вилоят бўлими раҳбари
19.	Д.Исमतов	Вилоят телевидениеси раҳбари
20.	Ф.Тошев	“Зарафшон”, “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири
21.	Б.Раҳманов	“Овози Самарқанд” газетаси бош муҳаррири

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг

2020 йил 5 февралдаги

12/2 -сонли қарорига

2 -илова

**Самарқанд вилоятида тўй ва маросимлар, оилавий тантаналар ўтказилишини
назорат қилиш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи комиссияси**

ШТАБИ ТАРКИБИ

1.	Ю.Салимов	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, штаб раҳбари
2.	С.Жумаева	Вилоят ҳокимлиги котибият мудирини, штаб раҳбарини ўринбосари
3.	С.Умаров	“Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими маслаҳатчиси, штаб раҳбарини ўринбосари
Штаб аъзолари:		
4.	С.Мирсаидов	Вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарлик профилактикаси бошқармаси бошлиғини
5.	И.Эшмуродов	Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғини ўринбосари
6.	Д.Нурмухаммедов	Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
7.	Ғ.Аҳмедов	Вилоят давлат санитария эпидемиологик осойишталик маркази бўлим бошлиғини
8.	Х.Сатторов	Ўзбекистон Мусулмонлари идораси вилоят вакиллиги бош имомини ўринбосари
9.	А.Шахласов	Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбарини ўринбосари
10.	Э.Улуғмуродов	Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят кенгаши раисини ўринбосари
11.	Р.Очилова	Вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бош мутахассисини
12.	Ф.Содиқов	Маданият бошқармаси бошлиғини ўринбосари
13.	Қ.Собирхонов	Ўзбекконцерт давлат корхонаси вилоят бўлими концерт томоша фаолиятини лицензиялаш бўйича мутахассисини
14.	М.Ихтиёр	Вилоят телевидениеси бош муҳарририни
15.	Ғ.Хасанов	“Зарафшон”, “Самарқандский вестник” газеталарини бирлашган таҳририяти бош муҳарририни ўринбосари
16.	Т.Азимов	“Овози Самарқанд” газетасини бош муҳарририни ўринбосари